



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 11 апрел, жума № 58 (1483)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА: ПРЕЗИДЕНТЛАР МУЛОҚОТИ

10 апрел куни Украина Президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан Тошкентга келди



**«Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан Украина раҳбарининг яқма-яққа суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон-Украина муносабатларига доир масалалар, халқаро микёсдаги муаммолар юзасидан фикр алмашди.**

Мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги мулоқотлар мунтазам равишда ташкил этиб келинади. Президентларнинг суҳбати давомида илгари эришилган келишувларни ҳаётга жорий қилишнинг бориши, ўзаро муносабатларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Бу сафар Леонид Кучма мамлакатимизга Украина Президенти ва МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг раиси сифатида келган. Ўзбекистон ва Украина ушбу тузилмани ислоҳ этиш ва ривожлантиришнинг таклиф ва ташаббуслари борасида ҳам доим бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган. Президентлар суҳбат давомида ҳамдўстлик доирасидаги интеграция жараёнидаги жадаллаштириш, хусусан, аъзо мамлакатлар ўртасида кўп томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни кенг ривожлантириш учун Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартномани қўлga киритиш масалаларини муҳокама этди.

Шунингдек, «Дўрмон»даги музокаралар чоғида халқаро террорчилик ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилди. Тегишли идоралар ўртасида бу борада ахборот алмашувини янада яхшилаш, уларнинг ҳамжиҳатлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Халқро аҳамиятга молик қатор масалаларда Ўзбекистон ва Украина раҳбарларининг қарашлари бир-бирига ҳамохан.

## ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

**Кўнғирот туманидаги «Кўкарё» ширкат хўжалиги марказида болалар спорт майдончалари фойдаланишга топширилди.**

Тадбирда Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон филиали ижрочи директори Е.Куттибоев сўзга чиқиб, Қорақалпоғистонда болалар спортини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхтади. Ширкат хўжалигидаги спорт болан шугулланувчи болаларга жамғарма томонидан совғалар топширилди.

Фойдаланишга топширилган майдончаларда шу куннинг ўзида қатор спорт турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

«Туркистон-пресс»

Газетамизда чоп этилган «Ишчининг ҳақли саволи» мақоласи эътиборсиз қолмаганда, она мушқули эҳтимол аллақачон осон бўларди. Начора, ҳамма нарса ҳаммиса рисоладагидек бўлавермайди. Мақола «Кизилқумцумент»дагилар эътиборини тортган-торتماгани бизга қоронгу. Аммо газета таниқидий қилишига умуман жавоб бермай қўя қолишгани эса рост. Саодат Полвоновага эса «мана сенинг 2002 йил январ, феврал, март ойлари учун нафақа пулини» деб 30 минг сўм ташлаб кетибдию, лекин хатто ҳисобикитоб варағига қўл қўйдиришни ҳам лозим топилмабди. Онанинг қалбидан отилиб чиққан, қолган оилар учун қачон, ким ҳақ тўлайди, ишга жойлашиш масаласи қай тарзда ҳал этилади, деган сўзлари жавобсиз қолверган.

Саодат «Бунёд-Кизилқумцумент» корхонаси тикув цехига 1998 йили олам-олам орзулар билан ишга келган. Барча ишловчилар қатори у ҳам ўзининг ҳақ-хуқуқлари қонун йўли билан муҳофаза қилинишини яхши биларди. 2001 йилда туғиш таътилига чиқди. Бутун гаваго ана шундан кейин бошланди. Аввалига тўлиниб турган нафақа

пули 2002 йил январдан батамом узилди. Кейинчалик маълум бўлишича «Бунёд-Кизилқумцумент» «Хавас» корхонасига айланган. Лекин «Кизилқумцумент» ҳиссдорлик жамиятида тузилган ту-

## ИШЧИНИНГ ҲАҚЛИ САВОЛИ нега жавобсиз қолмоқда?

гатиш ҳайъати аъзолари Саодат Полвоновани бу ҳақда лоақал хабардор ҳам қилишмаган. Ўзбекистон Конституцияси ва меҳнат қонунларида бола тарбияси билан банд бўлган оналарни ижтимоий ҳимоялаш, уларни иш ўринлари билан таъминлашда имтиёзлар берилганини унуттиганини-ку, қўяверинг. Шу-шу Саодат ҳақ-хуқуқини тиклаш, ғудгаги учун нафақа ундириш илминда маҳкамалар эшигига қатнайди. Бу ахволдан вилот ҳокимлиги, вилот касабга уюшма кенгашидагилар хабардор. Жавоб эса битта бўлди: зарда билан ташлаб кетилган 30 минг...

зарур. У қонун билан белгиланган имтиёздан фойдаланиши ҳам қарз, ҳам фарз. Етти ойдири, вилот касабга уюшмалари кенгаши Саодатнинг чекланган ҳақ-хуқуқини тиклаш ҳақида «Кизилқумцумент» ҳиссдорлик жамиятига қайта-қайта мурожаат қилишдан чарчамаяпти. Мана шу йилнинг 28 январида ёзилган сўнгги хат матни: «Кизилқумцумент» ОАЖ бош директори Р.С. Жуманиёзовга. Навоий вилоти касабга уюшмалари кенгаши «Бунёд-Кизилқумцумент» корхонаси тикув цехи ишчиси Полвонова томонидан ёзилган шикоят хати атрофича ўрганиб чиқилганда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси-

нинг 102-, 237-бандлари қўпол равишда бузилганилиги, туғиш таътилида бўлган Полвонова пули-ни 2002 йилнинг январ ойидан бошлаб ололмаётганилиги бўйича текширув натижалари ҳақида 2002 йил 21 октябрда ёзма мурожаат қилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, шикоятчи туғиш таътилида бўлганилигини инобатга олган ҳолда иш билан таъминлаш сўралганди. Афсуски, ўринбосарингиз Ш.Усмонов томонидан вилот касабга уюшмалари Кенгаши номига ёзилган жавоб хатида Меҳнат Кодексининг 102, 237-бандлари қўпол равишда бузилганилиги, корхона туғатилиши ҳақида ҳодимга билдирилишича йўлланма берилди. Навоий вилот касабга уюшмалари кенгаши раиси (имзо) Н.Хўжакулов.

Ажабланарлиси шуки, шунча савъй-ҳаракатлардан кейин ҳам мана икки ярим ойдири, ижобий натижа бўлмапти. Адолатли саволга жавоб излаган муҳбир ҳам маҳкама эшигидан бошлиқ ҳузурига қиролмай қайтди. Балки буни вилот ҳокимлигидегилар ёки вилот ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимлари эплашар... Яягош САРБЕВ, «Ишонч» муҳбири.

## МАЖМУА МАЖЛИСИ

**Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой коммунал хўжалиги ва транспорт мажмуининг 2003 йил биринчи чорак яқунлари бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов бошқарган мажлисда жорий йилнинг биринчи чорагида инвестиция дастурининг бажарилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таҳлиллари, мажмуа тармоқларида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда 2003 йилнинг иккинчи чораги вазифалари муҳокама қилинди. Мамлакатимиз бўйича жорий йилнинг январь-март ойларида барча молиялаш-

тириш манбалари ҳисобидан 284,1 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,3 фоизни ташкил этади.

Мажлисда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар, хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари қурилиши бўйича қўзда тутилган тадбирларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда мавжуд хомашё базасида махсулотлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва мажмуа таркибига кирувчи корхоналар экспорт салоҳиятини кенгайтириш дастури ҳамда «Обод маҳалла йили» дастурининг бажарилиши билан боғлиқ вазифалар хусусида фикрлашиб олинди.

(ЎЗА).

## КАСБИНИ УЛУҒЛАГАН АЁЛ

«Касоблик» маҳалласида яшовчи Гулнора Бозорова Жиззах шаҳрида кўпчилик танийди. Асли Бухоролик бўлган Гулнора зардўзлик ва тикувчилик касби сирларини ёшларга ўргатиб келяпти.

«Ёшлигимда момоларим тиккан зар дўппи ва чопларни ёш келинчақлар кийишганда ҳавас билан тикилардим, -деди хунарманд Гулнора Бозорова. «Туркистон-пресс» муҳбирига. Маълумки, Бухоро кўли гул зардўзлари билан машҳур. Тақдир экан, Жиззахга келин бўлиб тушдим. Уттиз йилга яқин вақт мобайнида уч касб билан шугулланиб келяман. Касбим сирларини ёшларга ўргатаман.

Г.Бозорова Жиззах вилот Хунармандлар уюшмаси аъзоси бўлиб, тўрт йил мобайнида уч минг беш юз нафар тикувчи ва зардўз шогирдлар тайёрлади. У бошчилик қилаётган хунармандларнинг махсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йили бир миллион сўмлик зардўзлик махсулотлари ишлаб чиқарилиб, Германиялик харидорларга топширилди. Шунингдек, беш юз минг сўмлик эсдалик буюмлари Исроил давлатига сотилган. «Ўзбекистон-Эрон» қўшма корхонаси томонидан 2,5 миллион сўмлик буюртма қабул қилинган. Г.Бозорованинг меҳнатлари юқори баҳоланиб, ўтган йили «Шухрат» медали соҳibi бўлди.

У ҳозирги кунда Жиззах табибий коллежи ҳамда Жиззах педагогика университети қошидаги академик лицей талабаларидан ташкил толган гуруҳга зардўзлик, тикувчилик ва кашачилик сирларини ўргатиб келмоқда.

(ЎЗА).

**Республика Президентининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганга уч ойдан ошди. Ана шу қисқа фурсатда Сирдарёда ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, амалий ишлар бошлаб юборилди.**

Таъкидлаш жоиз, воҳада бу борада оқшлар яққол қўзга ташланиб турарди. Аиниқса, қўллаб таълим даргоҳларида уйингоҳларнинг талабга жавоб бермаслиги, спорт залларининг ташландиқ ҳолга келиб қолиши ёш авлодни чиниқтиришга жиддий тўсиқ бўлди. Боз устига мактабларни спорт жихозлари билан таъминлашда узилдишлар рўй берди. Таҳлиллар шуни кўрсатаптики, аксарият мактабларда жисмоний тарбия дарсларини ўтиш камайиб, спорт тўгараклари фаолиятига етарли даражада эътибор бермай қўйилган. Кейинги уч йилда бирорта арзирли спорт иншооти қурилмаганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Вилотимиз аҳолисининг олтимиш фоиздан ошигини ёшлар ташкил

## ЗАМОНАВИЙ БОЛАЛАР СПОРТ ИНШОТЛАРИ

эти. Ана шу ўсмирларнинг атиги ўн фоизи спорт билан ошно эканлиги кўнгилнинг бир четини хира қилиб турарди, - дейди Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилот минтақавий бўлими раиси Воҳид Турдиев. - Эндиликда энг чекка қишлоқларда ҳам ёшларни спортга жалб этиш, улар учун шароит яратиш имкони туғилди. Аини чоғда вилот ҳокимлиги ташаббуси билан спорт майдонлари ва залларини таъмирлаш, янгиларни барпо этиш бошлаб юборилди.

Сирдарё туманидаги 25-мактабда спорт зали қурилиши бошлаб юборилди. 9-мактабга эса 3 миллион

## Бир Фармон шарофати

сўмлик спорт анжомлари олиб берилди. «Малик» деҳқон фермер хўжалиқлари уюшмасидаги ўйингоҳ

кўча-қуйда тўп суришади. Бу ҳолат худудда жойлашган бир қатор ташкилотларни ҳам бефарқ қолдирмади. «Сирдарё-Вотойул» бирлашмаси жамоаси маҳалла ёшлари учун спорт мажмуи барпо этишни ўз бўйича олди. Энди минглаб ёшлар вақтларини мазмунсиз ўтказишга чек қўйилди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг «Янгиобод» участкасида қишлоқ ёшлари учун ёпик спорт зали қуриб бериладиган бўлди. Бундай хайрли юмуш вилотнинг барча туманларида амалга оширилмоқда. Чунончи, Шароф Рашидов туманидаги 1-мактабга спорт зали, 4-мактаб қошида эса спорт мажмуи асоси бўлиб эълон қилинган. Меҳнатобод, Оқолтин, Мирзаобод туманларида ҳам спорт иншоотларини таъмирлаш, тартибга келтириш ишлари поёнига етмоқда.

Гулистон шаҳрининг маҳалла қисмида аҳоли тигиз яшайди. Минглаб ёшлар

Воханинг ҳамма худудида ана шундай хайрли ташаббус қанот ёйди. Ушлаб янги спорт иншоотлари қурилиб, барча мактабларда спорт заллари ва ўйингоҳлар фаолияти изга солинадиган бўлди. Хуллас, Ўртбошимиз Фармони шарофати туфайли мирзачўлик ёшлар жисмонан бақувват, маънавий юксак бўлиши учун барча чора-тадбирлар қўриляпти.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

## СЕҲРАИ ЁҒДУ

Республика таълим марказида Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ўқувчилар техник иходиёт маркази ўзтеледиоконпаняси билан ҳамкорликда ташкил этган «Сеҳри ёғду» республика ёш кино-фото хаваскорлари фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Усиб келаятган ёш авлод қалбиди миллий киномиз ҳамда фото санъатига меҳр уйғотиш, ўқувчиларни шу касбга йўналтириш ҳолда соҳа ривожига ҳисса қўлиши, болаларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўтказилган мажмур танловда 140 нафар йигит-қиз ўз асарла-

ри билан иштирок этди.

Она-табиатни асраб-авайлаш, мактаб ва болалар ҳаёти, спорт мазмунидаги ҳужжатли фильмлар, мусиқали видеоқлипплар, компьютер анимациялари, фотосуратлар орасида Бухоро вилоти Гўлжудум тумани 48-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Аваз Шаропов ҳамда Қашқадарё вилоти Шарҳисабз тумани 100-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Элнур Пулатовнинг асарлари энг яхши деб топилди. Фойдаланган шу йилнинг июн ойида Туркияда бўлиб ўтadиган хаваскор ёшлар халқаро кинофестивалига йўлланма берилди.

Энг яхши операторлик, режиссёрлик, сценарий ишлари ва фильм дастурлари муаллифлари ҳам мукофотланди.

## МАҲАЛЛА ИСТИҚБОЛИ

Бухорода ана шу мавзуда вилотдаги барча шаҳар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг уч кунлик ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Маълумки, теран, қадимий илмларга эга маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими сифатида ҳаётимизда тобора мустақкам ўрин эгаллаб бормоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2003 йилнинг мамлакатимизда Обод маҳалла йили деб эълон қилинганлиги жамиятига иқтисодий ва маънавий ҳаётининг таркибий қисми бўлган маҳалла макенини янада мустақамлаш, имкониятларини кенгайтириш учун гоят катта имкониятлар яратди.

Семинар ўқув дастурини да хуқуқ-тартиб идоралари билан маҳаллаларнинг тинчлик-осойишталигини таъминлаш йўлидаги ҳамкорлиги масалаларига кенг ўрин берилди. Йигилишда турли ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кучайтириш, милиция таъин пунктлари, маҳалла посбонлари фаолиятини тақомиллаштириш, маҳаллаларда воғга етмаган ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишга оид таъриба ва вазифалар борасида сўз юритилди.

Маҳаллаларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш органлари молиявий муносабатларининг ҳуқуқий асослари, уларни молиялаштириш, шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш каби долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

(ЎЗА).

# «ҚУВАСОЙЦЕМЕНТ» МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

## корхона касабаси уюшма қўмитаси тажрибасидан

**Фарғонадаги «Қувасойцемент» акционерлик жамияти республикамизнинг йирик корхоналаридан бири. Бу ерда ишнинг яхши ташкил этилиши, замонавий технология, ташаббускорлик ҳамда махсулот сифатига бўлган алоҳида талаб корхонанинг жаҳон бозоридagi дастлабки дадил одимларини таъминламоқда.**

**Корхона маъмурияти, касабаси уюшма қўмитаси ишчи-хизматчиларнинг умумий ишлаб, яхши дам олишлари, саломатликларини мустаҳкамлаб боришлари учун аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, ижтимоий ҳимоя қўлаи кенгайтирилган иқтисодий кўрсаткичларнинг юқалишида асосий омили бўлмоқдаки, муҳбиримиз томонидан тайёрланган мақолаларда ана шулар ҳақида атрафлича ҳикоя қилинади.**


### БИЗДА ИШЛАШ КЎПЧИЛИК ЁШЛАР ОРЗУСИ

Ишчи-хизматчи аъло кайфиятда, умумий ишлаши учун аввало уларга қулай шарт-шароит яратиш лозим. Биз ободонлаштириш, кўксамзорлаштириш масалаларига эътиборни кучайтирдик. Корхона ҳудуди 150 гектар ердан ортук. Ён-атроф мева-ли дараклар, майсалар билан ўралган. «Цементчи» ўйингоҳи, истиродахат боғи, маданият саройи, маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари меҳнаткашлар ҳисобиди. Ажойиб сийҳат-гоҳимиз ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Шифо масканиди малакали, жонқуяр ходимлар фаолият юритишади. Хохловчилар ишдан ажралмаган ҳолда кўнгилли дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлашади. Шунингдек, Андижондаги замонавий шифокана билан тузилган шартномага кўра меҳнаткашлар у ерда ҳам бафуржа даволанишлари мумкин.

Умумий овқатланиш бўлимининг фаолияти сўнгги йилларда яхши томонга ўзгарди. Эндиликда ишчиларга бепул тушлик берилмоқда. Таъкидлаш жоиз, цехларимизда мураккаб жараён кечади. Махсулотларимиз – майдаланган оҳак, пардозлаш ишларида гоёта зарур бўлган ганч, черепицаларга харидор ҳаммиса бор. Мураккаб шароитда сидиқдил тер тўкаётганлар сўт ва сўт махсулотлари билан таъминланмоқда.

Кайфиятга кўп нарса боғлиқ, деб беҳиз айтилмайди. Ҳаётдан, эришайётган натижалардан мамнун бўлаётган ишчи-хизматчилар ижодий изланиб, бир вақтлар четдан келтирилатган хом ашёлар ўрнига маҳаллий манбалардан фойдаланишни

йўлга қўйиши. Бирин-кетин эҳтиёт қисмларни ҳам ўзимизда тайёрлашни урдаляялмиш. Мустақиллик йилларида корхонада яхши бир аъна шаклланди. Меҳнат фахрийларини улуғлаш, табаррук инсонлар иззат-хурматини хойига қўйиш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Эътиборлиси шуки, 20 дан ортук фахрийга корхона ҳисобидан ички пенсия тайинланган. Уруш қатнашчилари, ёшлар мураббийлари ўзларига яратилган имтиёзлардан унули фойдаланишмоқда. Касабаси уюшма қўмитаси табаррук инсонлар ҳолдан ҳаммиса хабардор. Сўнгги вақтларда 26 нафар пенсионернинг уйи таъмирдан чиқарилди, иситиш тар-



моқлари янгиланди. Байрам тантаналари уларсиз ўтмайди. Буларнинг ҳаммаси кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатни янада кучайтирмоқда.

**Р.ФОЗИЛОВ,**  
«Қувасойцемент» акционерлик жамияти касабаси уюшма қўмитаси раиси

Кадрдон корхонам цехларини айланарканман, кўтаринки кайфиятда, берилиб ишлаётган кишиларни кўриб руҳланаман. Эътиборлиси шуки, ҳар бир ходим умумий ютуғимизга ютуқ қўйиш, корхона шухратини юқалти-

### УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН КИШИЛАР

ришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Шу боис ҳам «Қувасойцемент»нинг жаҳон бозоридаги дадил одими ҳақида энди фахр билан гапиряляялмиш. Мадрид шаҳрида юқас касб маҳорати ҳамда юқори сифатли махсулотимиз учун ВІD дирекциясининг «Сифат бўйича жаҳон соврини» мукофоти муносиб кўрилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Иқтисодий ислохотларнинг қандай кетиши, олдимида турган масъулиятли вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан кадрларга боғлиқ. Агар раҳбар жонқуяр, куйди-пишди, ташаббускор, айна пайта талабчан бўлса, иш олдига босади. Акционерлик жамияти бошқаруви раиси, ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган мухтассисларнинг сазй-ҳаракати билан бир вақтлар ишга тўғаноқ бўлган буйруқбозлик услубидан тамомилла воз кенилди. Ўз касбининг усталари, ишлаб чиқаришнинг паст-балан-

да. Махсулот тури кўпайиб, сифат яхшиланимоқда. Америка қўшма корхонаси учун янги турдаги майдаланган оҳак ишлаб чиқарилаётганлиги иқтисодийни юқсалтирмоқда.

Корхонамизда меҳнат қилаётган аёллар алоҳида меҳрибонлик билан қўраб олинган. Улар жамоа шартномасидаги имтиёзлардан унумли фойдаланишмоқда. 900 нафарга яқин хотин-қизлар ўртасида маданият-маънавий, спорт тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Аёлларимизнинг тақлиф-мулоҳазалари ҳаммиса инобатга олинади. Жумладан, касабаси уюшма қўмитаси ёзги соғломлаштиришни намунали ташкил этиш учун қўшимча тадбирлар белгиланган. Сабаби она ўз фарзанди, оиласидан хотиржам бўлсагина баракали меҳнат қилади.

Баъзида умумий йиғилишларда айтилган ўринли тақлифлар ҳаёда ўз ижросини топса, катта наф келтиради. Тажрибали кишилар корхона ён- атрофида беҳи дараклари бўлса катта фойда келтиришини таъкидлаб келишарди. Шу хайрли иш амалга оширилди. Беҳи инсон саломатлиги учун гоёта зарур неъмат. У корхонадаги чангланган ҳавони ютиб, кислородни кўпайтириш хусусиятига эга. Қузда бу ерга ташриф буюрган кишилар ажойиб мева-валар, хусусан, беҳиларни кўриб



### ХОРИЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Ҳозирги кунда корхонамиз Германия, Швеция давлатларининг забардаст корхоналари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу бозор муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш,

Ҳар бир жамоада ҳаёти ва меҳнат фаолияти ёшларга ўрнак бўладиган даргалар бўлади. Кўлигул, ташкилотчи инсонлар бизда ҳам кўп. Масалан, меҳаник Н.Бегимкуловни олайлик. У жараёнлар бир маромда боришини доимий назоратга олади. Замонавий дастгоҳларни таъмирлашда жонбозлик кўрсатади. Наримон ака яхши ташкилотчи, айна пайта ёшлар мураббийси. Шогирдларини умрининг мазмуни деб билади. У рационализаторлик тақлифлари билан чиқиб, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш шароитини яхшилашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сўнгги йилларда кўлга киритилган ютуқлардан бири маркетинг билан боғлиқ масалаларни йўлга қўйганлигимиз бўлди. Зеро, бусиз жаҳон бозориди мустаҳкам жой олиш қийин. Эндиликда вилотимиздаги кўпгина ёшлар «Қувасойцемент»да ишласам, дея орзу қилади. Цехларимизда йиғит ва қизлар кўпайиб бораётгани ҳам шундан. Сабаблари кўп, муҳими, бу ерда меҳнат юқас кадрларнади, ишчи-хизматчилар фаолиятларига яраша яхши иш ҳақи олишмоқда. Туй ёки маърақа ўтказайётганларга ҳаммиса моддий кўмак берилади. Ишловчиларнинг корхонага қатнашлари учун махсус автобуслар ажратилган. Ходим ўзи истаган сийҳатгоҳга шифокор тавсиясига кўра йўллана олиши мумкин. Умуман инсон омилига эътибор касабаси уюшма қўмитасининг бош мақсади бўлаётганлигини барчамиз амалда кўраялмиш.

**И.МЎДИНОВ,**  
меҳнат фахрийси



хайратланмади. Тотли неъматлардан ишчиларимиз консерваларга тайёрлашади. Байрамларда улар дастурхонимизни безамоқда.

**Т.САИДУМАРОВ,**  
мутахассис

ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини бермоқда. Хозирда цехлардаги жараён компьютер орқали назорат қилинади. Махсулотлар сифати дунё талаблари даражасига кўтарилганлиги барчамизни қувонтирмоқда.

### Шарҳловчи минбари

**Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, АҚШ қўшинлари Бағдодда тўла назорат ўрнатиш учун жанглари давом эттирмоқда. Пентагон раҳбари Доналд Рамсфелднинг маълум қилишича, АҚШ қўшинлари ҳозир шаҳарнинг ярминдан кўп қисминини ўз назорати-га олган. Айрим кўчаларда жанглар ҳамон давом этмоқда. Ироқ аскарларининг қолган-қутганлари қаршиликни давом эттирмоқда.**

## МОЖАРО ЯКУН ТОПМОҚДА

Куни кеча Бағдод марказидаги ар-Расафа майдонидаги Саддам Хусайн ҳайкали ағдариб ташланди. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, мазкур майдонга мингдан ортук бағдодлик йиғилган. Улар ағдарилган ҳайкалга қарата тош ва бошқа нарсаларни улоқтирган. Бу билан ироқликлар узоқ йиллар ҳукм сурган Саддам Хусайн тузумига қарши чексиз нафратини ифода этди, дейиш мумкин. 35 йилдан буюр Ироқ халқини кўрқув исканжасида ушлаб турган БААС тузumi рамзи ҳисобланган ҳайкал АҚШ танклари ёрдамида ағдарилди.

Саддам Хусайн тақдирини эса ҳамон жумбоқлигича қолаётир. Ироқ муҳолифатчилари вакили Аҳмад Чалабий Си-эн-эн телекомпаниясига интервью бериб, Саддам Хусайн бомбардир пайтида ҳалок бўлмаганини айтди. Унинг таъкидлашича, Саддам ҳамда ўғилларидан бири тирик қолган бўлиши мумкин.

АҚШ ҳарбий қўмондонлиги ҳам Саддам ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигини билдирмоқда.

АҚШнинг Умм-Каср шаҳрида ҳарбий асирлар учун барпо этилган лагери раҳбари полковник Жон Делла Жакононинг маълум қилишича, ҳозир Ироқнинг етти мингдан зиёд аскарлари асир сақланмоқда. Полковникнинг таъкидлашича, уларни Гуантанамо лагерига жўнатиш режалаштирилмаган. Умм-Касрда сақланаётган маҳбусларнинг тўрт нафари Ироқнинг юқори мансабли ҳарбийларидир.

Басрани назорат қилиб турган Буюк Британия қўшинлари эса ўз ихтиёри билан қуролини топширган Ироқ аскарларига афв эълон қилди. Шунингдек, британиялик ҳарбийлар шаҳарда тезроқ тартиб ўрнатиш учун аҳолини қуролларини топширишга чакирди. Чунки уч кундирки, шаҳарда талончилик авжида.

Саддам Хусайн тузumi ағдарилганини Ироқ ҳукумати аъзолари ҳам тан ола бошлади. Масалан, Ироқнинг БМТдаги вакили ад-Дурий Бағдод тузumi билан алоқани узганини таъкидлаб, «уйин тугади», деди. У БМТ қароргоҳида баёнот бериб, Саддам Хусайн Бағдодни назорат қилмаётганини тан олди. Яъни Ироқ раҳбарияти билан бир неча кундан буюн алоқа йўқ.

**Саидмурод РАХИМОВ,**  
ЎзА шарҳловчиси.

### БАНДЛИК ДАСТУРИ АМАЛДА

**Ўтган йили Қорақўл туманида 437 нафар ишсиз иш билан таъминланган эди. Бу йилги ишлар ҳам ўтган йилдагидан чакки эмас.**

2003 йилнинг дастлабки чорагида 642 та янги иш ўринлари яратилди, - деди туман меҳнат, иш билан бандлик ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи Н. Хайитов. - «Устоз-шоғирд» усули бўйича 62 киши янги касбларни ўрганмоқда.

Н. Хайитовнинг таъкидлашича, ушбу усул шарофати билан 220 нафар ишсиз фуқаролар тикувчилик, зардўзлик, дурадгорлик, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирловчи каби янги касбларни ўрганишди. Ўқиб даврида уларга 3 миллион

628 минг сўм стипендия, 113 нафар фуқароларга эса 646 минг 647 сўм ишсизлик нафақаси тўланди.

— Хусусий фирмалар, жумладан Дилбар Собирова раҳбарлик қилаётган «Нозиммахон» ишлаб чиқариш фирмаси биз билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда, — дея сўзида давом этди Н. Хайитов. Ушбу ҳамкорлик тўғрисида ўтган йил охирида 8 нафар қиз ишга жойлаштирилди. Жорий йилнинг уч ойида улар тикувчи ва зардўзлик хунарларини эгаллашди. Эндиликда улар «Нозиммахон»нинг тўлақонли аъзолари бўлишди.

### ЎЗБЕК ТОВАРЛАРИ ЯРМАРКАСИ

**Андижондаги марказий университетда мамлакатимиз сановат корхоналарида ишлаб чиқарил-**

### ган товарлар ярмаркаси очилди.

Бу ерда «Тоштўқимачи», «Намангантўқимачи», Тошкентнинг «Тонг», «Юлдуз», Фарғонанинг «Қувасой чинниси», Хоразмнинг «Хива гилами» акциядорлик жамиятлари ва бошқа ўнлаб фирма, корхоналарнинг махсулотлари намойиш этилмоқда. Ярмаркадан асосан ип-газлама махсулотлари, кўйлақлар, гиламлар, кундалик эҳтиёж моллари ўрин олди.

Бир ҳафта мобайнида Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ўз махсулотларини сотиш тўғрисида миждозлар билан битимлар тузишлари, шунингдек ўз ҳамкасблари билан тажриба алмашишлари мумкин.

«Туркистон-пресс»

### ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Қорақалпоғистон Бизнес инкубатори ва Осие тараққиёт банки ўртасида кичик корхоналарни ривожлантириш орқали иш ўринларини яратишга қаратилган имзо-хони амалга ошириш юзасидан ўзаро шартнома имзо-ланди.

Ўзбекистон Бизнес инкубаторлари ва технопарклари уюшмасидан олинган маълумотларга қараганда, бу шартномада лизинг учун ҳам грантлар ажратиш кўзда тутилган. Мазкур грантлар фаолият юритаётган корхонага эга ёки тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятида бўлган ва бунинг учун аниқ бизнес-режага эга, Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи тадбиркорларга берилади. Грант ажратишда имтиёз энг кўп иш ўринлари яратган ёки буни режалаштирган тадбиркорларга берилади.

Лизинг жамғармаси 200 минг АҚШ долларидан иборат бўлиб, лизингга олинган техника ускуналарининг нархи кўпи билан 10 минг АҚШ долларига тенг бўлиши керак.

(ЎзА).

**Касабаси уюшма ташкилотларининг маъкеи, меҳнаткашлар ҳақ-хуқуқларини муҳофаза этишдаги, уларга қулай меҳнат шароитлари яратиш бериш, ижтимоий муҳофазадашдаги фаолиятлари тобора ортиб бораёпти. Фуқаролар ўзларини ташвишлантираётган масалалар ёки ноҳақликлар тўғрисида энг аввало касабаси уюшма ташкилотларига мурожаат қилмоқдалар.**

**Сурхондарё вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши, тармок қўмиталари ва бошланғич ташкилотлар фаолиятининг таҳлили шундай ҳулоса чиқаришимизга асос бўлди. 2002 йилда фуқаролар вилоят касабаси уюшмалари Кенгашига 457 та ёзма, 2015 та оғзаки ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилишган.**

Фуқароларнинг ёзма аризаларидан 246 таси санаторий, дам олиш уйлари ҳамда профилаторийларга йўлланмалар бериш, 73 таси ишдан бўшаш ёки бошқа ишга ўтиш, 70 таси иш ҳақида доирдир. Демак, касабаси уюшмалари бугун у ёки бу жамоада меҳнат қилаётган фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилишга эмас, балки жамиятимиз тараққиётига тўғаноқ бўлаётган камчиликларга бефарқ эмас. Фуқароларнинг вилоят касабаси уюшмаларига оғзаки мурожаатлари таҳлил этиладиган бўлса, юқоридаги фикримиз тўғри эканлиги яққол кўзга ташланади. Эътибор бериш, ходимлардан 40 киши хўжалик органлари, мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликлар ҳақида мурожаат қилганлар. Фуқароларнинг оғзаки мурожаатлари вилоят касабаси уюш-

топмоқда. Масалан, Термиз шаҳридаги Марказий бозор ходимлари Х.Худойкулов, Н.Ҳолмирзаевларнинг эғаллаб турган вазифаларидан бўшатилиши, меҳнат шартномасининг бекор қилиниши уларнинг Кенгашига мурожаат қилишларига сабаб бўлди. Термиз туманлараро суди вилоят касабаси уюшмалари Кенгашининг Термиз «Марказий бозори» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига нисбатан «Ишга тиклаш, иш ҳақи ундириш

нилгач А.Сатторов ишга тикланди. Мажбурий бекор юрган кунлари учун 105 минг 885 сўм ундириб берилди.

Шунингдек, Термиз дарё порти ходимларидан бир гуруҳи муқофотлаш тартибидан норози бўлиб мурожаат қилишди. Ушбу ҳолат вилоят тармоқ касабаси уюшма қўмитаси томонидан чуқур ўрганилиб, камчилик бартараф этилди.

Фуқароларнинг касабаси уюшмаларига маъмурий идораларга ёзма аризалар билан мурожаат қилишлари-га баъзан хўжалик раҳбарларининг мансабларини суистеъмол қилишлари ёки Меҳнат Кодекси қондаларини чуқур билмаслиги, унга амал қилмаслиги сабаб бўлмоқда. Бойсун тумани Н.Аъзамов маҳалласи 68-ўйда истиқомат қилувчи фуқаро Қобил Бўриевнинг Ўзбекистон касабаси уюшма-ри Федерациясига ёзган аризаси юқоридаги фикри-мизнинг далилидир. Қ.Бўриев Бойсун тумани «Қишлоқхўжалик» филиалда звено ҳосилоти бўлиб меҳнат қилган. У қонуний ҳақ-хуқуқини талаб қилганлиги учун «Корхона ички сирларини ошқор қилаётган ходим» деб иш берувчи томонидан

таъйиққа дучор бўлган. Август ойида ботоблиги сабаб даволаниб юрган кунлари уни корхонага чакириб, ўша кунгек умумий йиғилишга ўтказилган ва Бўриев «гап-сўзлар билан шуғулланиб юрганлиги учун» ишдан бўшатилиб, меҳнат шартнома-си бекор қилинган.

Даввоғар бу ҳақида буйруқни ололмасдан августдан то декабрь ойигача мазкур ташкилотга қатнайвериб сарсон бўлган. Ниҳоят ишдан бўшатирилганлиги тўғри-

сидаги буйруқни 2002 йил 13 декабрда олишга эришган.

Меҳнат Кодексининг 176-меҳнат моддасида ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофаза-си, техника ҳавфсизлигига ва ишлаб чиқариш санитария-си талабларига тўлиқ амал қилиши лозимлиги кўрсатилган. Бу талабларни бажарма-ган ходимдан Меҳнат Кодек-сининг 182-моддаси асоси-да бир ой муддат ичда ту-шунтириш хати олиниб, иш берувчи томонидан интизо-мий чоралар қўлаш мумкин. Аммо Қобил Бўриев меҳ-нат фаолияти давомида би-

### Муносабат

рор марта ҳам меҳнат интизомини бузмаган, ҳайфсан ёки огоҳлантириш олмаган. Демак, у қонунга ҳилоф равишда ишдан бўшатирилган. Касаллик варақаси, маҳбуран бекор юрган кунлари учун ҳисоб-ки-тоб амалга оширилмаган. Ушбу ариза вилоят агроно-сават мажмуи ходимлари касабаси уюшмалари қўмитаси мутахассислари томонидан синчиклаб ўрганилди. Бой-сун тумани «Қишлоқхўжа-лик» филиали бўйича 2002 йил 13 августда чиқарилган 74-сонли буйруқ амалдаги Меҳнат Кодекси талабларига зидлиги, Фи-лиал касабаси уюшма қўми-тасининг 2002 йил 12 ав-густдаги йиғилиш қарори Низом, жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиб қонда-ларига ҳилофлиги учун ту-ман касабаси уюшма қўми-тасининг қарори билан бекор қилинди. Қ.Бўриев вазифа-сига тикланиб, унга маҳбу-ран бекор юрган кунлари учун ўртача иш ҳақи тўла-надиган бўлди.

Ариза у ёзма ёхуд оғза-ки бўлсин, унинг ортида инсон тақдирини ётганлигини касабаси уюшмалари чуқур ҳис этишмоқда.

**Б.КЕНЖАБОВ,**  
Сурхондарё вилоят касабаси уюшмалари кенгаши бўлим мудири.



14-20 апрел

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 14

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диккатига! Профилактика муносабати билан душанба, 14 апрель кунини «Ўзбекистон» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади. 10.00 «Техниломма».

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

Профилактика муносабати билан, душанба 14 апрел кунини «Ўшлар» телеканали кўрсатувлари соат 14.55 бошланади.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести».

СЕШАНБА, 15

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал.

17.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Насаф» жамоалари учрашуви.

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси.

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ЧОРШАНБА, 16

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Насаф» жамоалари учрашуви.

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси.

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ПАЙШАНБА, 17

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

18.10 Бир жуфт кўшиқ. 18.20 «Химмат».

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси.

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ЖУМА, 18

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайраси».

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси.

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

22.50 Киноматограф. «Ижарага бола».

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси.

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

20.30 Жеки Чан «Койлмаком» комедиясида.

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси.

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».

**«Ўткан кунлар» романи ўзбек адабиёти хазинасидаги бебаҳо дуру гавҳардирки, унда инсон маънавий, руҳий оламнинг бетимсол имкониятлари моҳирлик билан каламга олинган. Асарда Навоийёна ташбех, Бобурога рамз ва хайратлар олами Қодирийнинг тафаккур гулшанида йўрилиб, ўзгача улғуворлик кашф этган.**

«Ўткан кунлар»да ўзбекона характер, ўзбекона тавозе, ўзбекона муомала, ўзбекона рух бор. Ўзбекларнинг қалб гавҳари, самимий муҳаббати, гўзал урф-одатлари ақс этган асар-бу. Ундан ҳар бир китобхон муомала маданиятини, ўзаро ҳурмат, самимийлигини, ота-онага, қариндош-уруғларига, яқинларга, ҳатто атрофдаги инсонларга нисбатан эътибор-эъзозни ўрганган.

Китобдаги жонсиз сўзлар у гўё китобхон шурида жонланади, юрагидан кўрак эсади, туйғуларидан гуллаб яшайди. Бир сўздан минг маъно, минг маъзун сочилади. Сўзлар сўзлайверади.

Езувчи сўзни беҳуда сарфламайди, қаҳрамонлар жуда кам сўзлайдилар, аммо ҳар гаплари юракларда ҳикмат дурдоналари мисол тизилиб қолади.

Отабек Марғилонга келган иккинчи кун бўлган бозорида бўлади. Намоздан олдин таҳорат олмоқ учун ариқ бўйига боради-да, қўлай жой тополмай, бир кўрдорнинг курсатилиши билан кўйдорнинг ташқари ҳовлисида тасодифан қиради. «Шу вақт меҳмонхонадан чиқиб келувчи фаршгага кўзи тушиди. Қумуш ҳам ариқ бўйига қараб келиб тўхтаган йиғитга беихтиёр қараб қолди». «Ихтиёр эмас, гайриихтиёр иккиси ҳам бир-бирларидан бир мунча вақт кўз ололмадилар».

Фақат бир лаҳза эди бу ҳолат...

«Қумуш нимадандир чўчигандай бўлди», «Ўзини йўлакка олди». «Бу бурилишдан унинг орқа-ўнгини тугиб ётган қирқ қокиллари тўқинландилар».

Рўзидиги ширин лаҳзалар, юракка таскин бергучи муҳаббат оташи олдидан қизнинг ибодатси устун келади. Бегона йиғит қаршисида ҳар қанча руҳий кечинмалар исқанжасида қолмасин, Қумушнинг чўчиб ўзига келади. Назокат ва лаҳза ила йўлак томон буриларкан, қокилларнинг тўғноғини қанчалик гўзал, юракни ларзага келтиргучи ҳолат бўлмасин, ёзувчи бу чизги билан Отабек юрагидан узлиб-узлиб қолаётган, муҳаббатнинг илоҳий иплари қирқ қокил мисол бир-бир санаб ўтади. Ёнинг бурилиши билан қанбига қолажақ қора ҳужум, айрилиш ҳолатини кўрсатиб беради, бу сочлар сирини фа-

сифатида ҳаммани ўйлайди, ҳаммага ибрат бўлади. Фарзанди Отабекка ҳам гарчи ҳақиқатқўчи бўлса ҳам юксак муомала, юксак одоб билан сўзлайди. Фарзанди олдидан ўзини ҳар қанча айбдор ҳис қилмасин, «Фарзанд ўстириб, келин қилишни орау қилган» ўзбекнинг олдида ўзини бурчи сезади. «Ўғлим, ҳали сен эшитдингми, йўқми ҳайтовур биз сенинг устиндан бир иш қилиб қўйдик...»

## АДАБИЁТИМИЗ ХАЗИНАСИДАГИ ДУРУ ГАВҲАР

қотиб турган йиғитга яна бир бор қараб қўйди ва бу қарашда унга енгилгина бир табассум ҳам ҳадя қилди...

Рўзиди кечинмалар, қалб турғинлари роман қаҳрамонлари қалбидан ўқувчи қалбига кўчади. Қимнингидир нури сиймоси фақат бир лаҳза... кўриниш бериб ўтади. Ҳаёдан юзлар қизаради, юрак... тўғёнлар ошенига айланади.

«Ўткан кунлар»дан биз нафақат муомала одобини, сўзсиз сўзлашмоқ, руҳий қувватланмоқ маҳоратини, одоб ва назокатни ўрганамиз.

Кўнгил мулкнинг соҳибчи бўлмиш Абдулла Қодирий ўз асаридан сўзлардан дуру жаваблар тизиб, ақл-идроқимиз, тафаккуримиз муҳокамасига ташлайди. Бу жаҳоирдан ҳар қанча ақлига, билимига, руҳий қувватига қараб ўзига ярашасини қила олади. Айтишларича, Қодирийнинг ўзлари ҳам бениҳоя одобли, тарбияли, замонасининг энг илғор эиёлларидан ҳисобланган. Кам гапирган, кўп мулоҳаза юритган, кам ёзган, юракка қалбларни титратадиган ва инсонлар ҳаётида, турмушида асосқадиган муомала гўзаллигини адабиётга олиб кирган.

Қадим Шарқда минг йиллардан бери бир анъана ҳукмрон. Бу падар ҳурмати, падар дуоси, ота иззати. Ота рози - Худо рози. Отанинг розилиги Худонинг розилигидек улғу тутилган. Отанинг олдидан ўғил беҳуда сўз айтмаган, ота юзига қараб сўз қайтармаган, ҳаттоки ота ётган уйнинг томига ўғил чиқмаган. Оталар ҳам шу ҳурматга-иззатга содиқ қолган. Фарзанди дил-бандига меҳр қўрсатган, илм-хунар ўрганишда бош бўлган. Меҳнатда, одобда, муомалада болаларига ўрнак қўрсатган.

Юсуфбек ҳожи ана шундай маънавий баркамол - фарзандига меҳрибон ота. Унинг ҳар сўзи ҳикмат. У оила бошлиғи

сифатида ҳаммани ўйлайди, ҳаммага ибрат бўлади. Фарзанди Отабекка ҳам гарчи ҳақиқатқўчи бўлса ҳам юксак муомала, юксак одоб билан сўзлайди. Фарзанди олдидан ўзини ҳар қанча айбдор ҳис қилмасин, «Фарзанд ўстириб, келин қилишни орау қилган» ўзбекнинг олдида ўзини бурчи сезади. «Ўғлим, ҳали сен эшитдингми, йўқми ҳайтовур биз сенинг устиндан бир иш қилиб қўйдик...»

Отабек ориф отанинг сўзидан қалқиб тушади, юрагиди аччиқ, алам, захарларни сочиб юбормаганига шукр қилиб, бошини ерга эгиб туради. Аммо уларнинг «қилиб қўйган ёки қилмоқчи бўлган ишлари»ни билгани боис доно, тадбиркор отанинг аҳолини тушунса-да, ичидан маънан қийналиб, ўзини билмаганга солиб Юсуфбек ҳожи га дейди:

«Ақли кишиларнинг ўғуллари устиндан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас.

Ота ҳар қанча фозил ва доно бўлмасин дили ўқинади. Аммо не қилсинки, Ҳақ ўғли томонда. Нима қилсинки, Ҳақ олдидан шоху гадо барокбар. Хотинлар эса ҳаммиша ҳам бу сўз моҳиятини тўла тушунмайдилар. Тушунсаларда орау-ният улар дилини тушовлаб, ақлини олган. Ўзларю, орау-хаваслардан ўзгани тан олмайдилар. Юсуфбек ҳожи эса бир сўзи одам. «Йўлбарс изидан, йиғит сўзидан қайтмас», деган ҳикматга амал қилиб яшаган. У умрида ҳеч қимга, ҳеч қачон лафзсизлик қилмаган. Шунинг учун ҳам дунёнинг паст-баландини кўриб қўзи қотган, қалби шикастланган ҳожидақ донишманд ўғлининг норозилигини кўриб, юрак-юрагидан келгусида бўладиган кўнгилхиралликларни қалбидан ҳис қилиб турса-да:

«Бизнинг оиладан ҳеч қачон лафзсизлик қилмаган, деб масалага нўқта қўяди...»

Шу боис «Хуфтон намозидан сўнг (зеро унинг аҳвол-руҳияси ҳам хуфтон эди), янгиламан ташвишларни бироз унутдилар ўмиди ила пойчирок ёнига ўлтириб Фузулий девонини varaқлар эди» «Аммо Фузулийнинг ранг-баранг шеърлари устидан қаноатланиб тўхтамас, ҳамон ва-

рағлагандан varaқлар эди». У ҳозир ненидир изларди шеърдан улғурок, ненидир изларди сўздан таскинбахш.

Йўқ, Қумушбиди йиғламайди, йиғлаб, шусиз ҳам дили вайрон бўлган вафодорининг дилини тигламайди. У ақли расо қизлардек иш тутайди. Эрининг кўнглини кўнглига пайванд этади, унинг севгисига ишониниши, бу севги ҳар қандай орау-хавасдан устун эканлигини амалда исбот этади. « - Мен рози, мен кўндим, - деди даъфатан Қумуш бу сўзи нимадандир кўркандек шошиб айтди».

Шу лаҳзада Қумуш гўзал эди, у гўё Фузулий газали қатидан ўчиб чиққан фаршгадек пок, покиза эди. Отабек уни ҳайрат билан томоша айларкан, шундай ақли расо, гўзал қизни учратган тақдирга шукр қилар, юрагининг бир парчаси эса гўё эриб, йўқ бўлиб кетаётгандек вайрон эди.

Қумушбиди қомилга аёл. У ўзига қундош олиб келаятган, бошига ҳижрон азобларини солажақ эрининг қалбини, туйғуларини асради. Унга шундай муомала қилдики, гўё ҳеч нарса бўлмаган. Севгилари яна анангаланади, муҳаббатлари мангу яшайверади. Қумушбиди ўзбек қизлари тими соли...

«Ўткан кунлар» эса маънавийтимизни ёритиб турган эди.

Ҳали бу юрда қанчадан қанча Отабеклар, Қумушбилар туғилади, лекин улар «Ўткан кунлар»дагидек давр қурбонига айланмайдилар. Улар чинакам бахтиёр авлод бўлиб қамолга етадилар. Шунда ҳам Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи ўзбек қалби бўлиб қолаверади. Ушунда ҳам бу китоб муомала санъатининг рамзи, одоб-ахлоқ, севги ва муҳаббат ашъори бўлиб яшайверади. Зеро, «Ўткан кунлар» билан Абдулла Қодирий бобомиз ўзларига эзгулик қўргони барпо этиб кетганлар, эзгулик қўргони эса дунё турғунча турган.

**Илҳом ҒАНИЕВ,**  
**филолог фанлари доктори.**  
**Шоира РАУЛОВА,**  
**Тошкентдаги 64-мактаб адабиёт ўқитувчиси.**

### Хушхабар ФАРЗАНДЛАР ЭРТАСИНИ ЎЙЛАБ

Бандихон Сурхондарёдаги энг кенжа туман. Чўл шароитида яшаб, меҳнат қилаётган аҳоли туманининг иқтисодий салохиятини ошириш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. 2000 йил август ойида Сарюсий туманининг тоғли «Зевар» қишлоғи аҳолиси ёппасига Бандихонга кўчирилди.

Зеварлик 182 та хўжаликка «Хўжайнак» ширкат хўжалиғи ҳудудидан янги ўй қуриб берилади. Фарзандлари эртасини ўйлаган қишлоқ аҳоли ўша йили мактаб учун ўз уйларидан жой бериди. Бандихон Халқ таълими бўлими саъй-ҳаракати билан 26-ўрта мактаб ташкил этилди. Мактабдаги 210 нафар ўқувчига 24 нафар муаллим сабоқ бермоқда.

«Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонун талаблари асосида мактаб учун янги бино қурилиш зарур эди. Излаган имкон топади. Бандихон туман Халқ таълими бўлими мудири Тожи Мурод Холиқовнинг ташкилотчилиги билан «Хўжайнак» ширкат хўжалиғидан «Зевар» маҳалласидан истиқомат қилаётган болаларга мактаб қурилиш учун ер ажратилиб, дастлабки ишлар бошлаб юборилди.

Янги мактаб қурилиши қисқа фурсатда ниҳонсига етади. Бу эғру ишда ўқитувчи ва ўқувчиларимиз ҳам фаол иштирок этади. 2003 йил сентябрда, янги ўқув йилини зеварлик болалар янги мактабда бошлайдилар, - дейди 26-умумтаълим ўрта мактаби директори Жоникул Жамолов.

**Рустам ДАВЛАТ.**



**Ўтган йили қадимий Кеш ўзининг 2700 йиллик тўйини кенг нишонлади. Шу муносабат билан қатта миқёсдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, шаҳар янада кўркамлашди. Хусусан, тумандаги умумтаълим мактабларида ҳам таҳсинга лойиқ ишлар қилинди.**

Афсуски, аини шу пайтда, 2002 йилнинг 3 мартда юз берган ер силқиниши бир қатор мактаблар биноларига жиддий шикаст етказди. Комиссия ҳулосасига кўра, тумандаги 110 та мактабдан 42 тасида кучайтирилган таъмир ишларини амалга ошириш лозимлиги қайд этилиб, қўшимча ишчи кучлари ажратилди, ҳомий ташкилотлар бириктирилди. 11-, 38-, 98-мактабларда иш олиб борган «Файзиев Б.», «Маҳалла», «Бешибек» ишлаб чиқариш фирмалари жамоалари белгиланган вазифани қўнгилдагидек адо этишди. Шунингдек, жамоа хўжаликлари ҳудудда жойлашган мактабларни таъмирлашда хўжаликлар ҳам яқиндан кўмак беришди.

Лекин, ҳамма мактабларда ҳам бир маромда таъмирлаш ишлари олиб

кетган. Зилзиладан сўнг таъмирлаш ишлари бошлаб боририлганидан қувонгандик. Минг афсуски, қувончимиз узоққа чўзилмади.

Рости, аввалига «Чоште-

## ҚУРИЛИШЛАР ЎЛДА-ЖЎЛДА

### Шаҳрисабз туманидаги ёрдамга муҳтож мактаблар хусусида

борилмаганлиги боис ҳозирги пайтда ўқув машғулотларини ўтказишда жиддий қийинчиликларга ҳуж келинмоқда.

Шаҳрисабз шаҳрига қирриб келаяверишда Чоштепа қишлоғидаги Шоди Шойимов номи мактаб биноси кўзга аққол ташланади. Бу ерда 847 нафар ўқувчи таълим олади. Илм максанида юқори кўрсаткичга эришилмоқда. Бироқ ўқувчи ва ўқитувчиларнинг кўнглидагидек машғулот ўтишлари учун умуман шароит йўқлиги кишини ажаблантиради.


— Мактаб биноси қурилишига ҳам 40 йил бўлиб қолди, - дейди мактаб директори Абдумалик Жумаев. - Иморатлар эскириб, синфхоналар поллари чириб



Ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришга Дўстлик туманидаги Аҳмад Яссавий номи 8-умумий ўрта мактабининг педагогик жамоаси ҳам амалий фаолият билан жавоб бермоқда. Бу ерда турли йўна-

лишлар бўйича юзлаб ўқувчилар ўз маҳоратларини оширяпти.

**Суратларда: жисмоний тарбия ўқитувчиси Аҳмад Қосимов шогирдлари билан; Турғун Қосимов миллий кураш**



бўйича ўтказилган турнир голиблари Рустам Бозоров ва Байрам Аллоддиновларга йўл-йўриқлар бермоқда.

**Б.НОРКУЛОВ**  
**олган суратлар.**

## 3:1 АММО У 2:0 ЭМАС

Мағлубиятдан қафолатланган жамоанинг ўзи йўқ. Юлдузлардангина иборат клублар ҳам аҳён-аҳёнда бўлса-да, ютқизик аламини тортишга мажбур.

9 апрел куни «Ёшлар» телеканали орқали мухлислар олдинма-кетин иккита ажойиб футбол спектаклини кўрдилар. Айниқса, Европа чемпионлар лигаси Кубогининг чорак финалида ўзаро рўбарў келган икки гигант - Испаниянинг «Реал» ҳамда Англиянинг «Манчестер юнайтед» жамоалари томонидан намойиш этилган футбол ишқибозларда олам-олам таассурот қолдирди. Бунақаси қамдан-қам бўлади. Тўп билан муомала қилиш санъатининг олий чўққисига қишига улгурган Зидан, Фиго, Раул, Бекхэм, Роналдо, Роберто Карлос каби футболчиларнинг маҳоратига яна ва яна тасаннолар айтмай илож йўқ эди шу кунни.

Мадридликлар 3:1 ҳисобида голиб қилдилар. Жавоб учрашуви икки ҳафтадан сўнг Манчестерда бўлиб ўтади. Ким билади, сэр Алекс Фергессон шогирдлари ўз олдиларига қўйилган мақсадга эришадиларми йўқми, олдиндан бир нарса дейиш қийин. Ҳар ҳолда улар ярим финалга йўлланма олишлари учун камида 2:0 ҳисобида устун келишлари керак. Шундай ҳисоб қайд этилса, рақиб майдонида урилган гол эвазига «Манчестер юнайтед» кейинги давра юзини кўриши мумкин.

Буни қарангки, худди шундай манзара Бангкокнинг «Бек Тero Сосано» ҳамда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоалари ўртасида кечган ўйинда ҳам қайд этилди. Футболчиларимиз Таиланднинг нам иқлимига мослаша олмадилар ва табиийки, биз қуриб завқланишга кўникма ҳосил қилиб бораётган ўйинларини намойиш этишининг ҳам урдасидан чиқмадилар. Иккинчи бўлимда Анвар Солиевнинг боши билан берган аниқ зарбаси тўғрисида пахтакорчилар жавоб учрашувидан умид қилсалар бўладиган ҳолат юзага келди. Инсоф юзасидан айтадиган бўлсак, ҳар нечук 3:1 ҳисоб-

## Футбол

би 2:0 га қараганда анча умидбахшдир. Бошқача айтганда, «Пахтакор» 22 апрелда Тошкентдаги ора очди учрашувидан 2:0 ҳисобида голиб чиқса кифо, марра уники.

Кўриниб турибдики, энди «Пахтакор» ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юбормаслиги лозим. Жамоа бунга эплашга қодир ёки қодир эмаслиги масаласи, афсуски, ҳамон очиқ қолмоқда. Ҳар қалай Бангкок дарсонхасида олинган сабоқ асқотади, деб умид билдиргимиз бор. Мураббийлар зиммасида мухлисларнинг ана шу умиди ушалишини таъминлашдек юксак вазифа турибди.

Кези келганда, назаримизда, «Пахтакор»ни мағлубиятга олиб борган айрим сабабу вазиятларни тилга олиб ўтишимиз фойдадан холи эмас. «Пахтакор» бугунги кунда ички чемпионатимиз қарвонбошиси бўлиб турибди. Тўрт ўйинда қозонилган тўрт галаба жамоа яхши спорт формасида эканлигини тасдиқлайди, албатта. Аммо бир хавотир ҳам йўқ эмас. Футболчилар бироз чарчаб қолишмади-микан? Ахир йил бошидан буён қанча учрашув ўтказилмади дейсиз! Қатор ўртоқлик ўйинлари, МДХ чемпионлари Кубоги учун Москвадаги баҳслар, Осиё чемпионлар лигасининг сўнги гуруҳ беллашувлари...

Эҳтимолки, олтинчи турга белгиланган «Пахтакор» - «Трактор» ўртасидаги матчи ўтказмаслик керакмиди... Яна ким билади, балки 4 апрелда «Бухоро» билан сафарда кечган қийин ўйин (ёдингизда бўлса, ўшанда 3:2 ҳисобида аранг галаба қозонганди)дан воз кечиб туриш, унинг ўрнига Бангкок иқлимига мослашиш учун барвақтроқ Таиланд пойтахтига йўл олиш зарурмиди...

Мулоҳаза юритишга ундовчи саволлар йўқ. Лекин энди бундан наф бормикан? Энг муҳими, ҳозир Тошкентда бўладиган жавоб учрашувини ўйлаш даркор. Бунинг учун нима лозим бўлса, барини қилиш керак. Нима бўлганда ҳам, гарчанд Бангкокда ўйин бой берилган эса-да, «Пахтакор» жамоаси «Бек Тero Сосано» клубидан қучсиз эмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Буни исботлаш учун кўп нарса керак эмас - 3:1 ҳисобида жавобан пахтакорчилар 2:0 ҳисобида устун келсалар бас, марра яна бизникидир.

**З. РИХСИЕВ.**

## «Ишонч» бонг уради

мактаб касабакўм раиси Тоғи либжон Рустамов. - Илҳомсизликдан машғулот олиб борилмоқда. Ўқитувчи ва

хўжаликлари ҳудудларидаги мактабларда олиб борилиши белгиланган кучайтирилган қурилиш-таъмирлаш ишлари ўлда-жўлда. Оталиқ ташкилот ҳисобланган хўжалик раҳбарлари эса бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб ҳам қўршима-япти.

— Ўқувчиларимиз ўз билим ва маҳоратларини намойиш этмоқдалар, - дейди туман Халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Муқаддам Раҳматова. — 57-мактабининг 11-синф ўқувчиси Бобур Курбонов, 3-иҳтисослашган мактабининг 11-синф ўқувчиси Гулланом Элбоевалар халқаро олимпиадаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Қандай яхши! Агар ўқувчилар етарли даражада таълим олишлари учун уларга барча шароит яратиб берилса, ютқизик бундан-да кўпроқ бўлмасми-ди?

**Шавкат СУЛТОН,**  
**«Ишонч» муҳбири.**

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

### ТОЗАЛИК «СВЕТОФОРИ»

Битта автомобил минг километр масофани босиб ўтганда бир одам йил давомида сарф этадиган миқдордаги кислотани йўқотади.

АҚШнинг Иллинойс штатида ҳавонинг ифлосланишига қарши факуллода чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Чунончи, шаҳар кўчаларига қорхона ва муассасаларга ўзига хос светофор ўрнатилган.

Шаҳар аҳолиси шу яшил чирокнинг қандай рангда ёнишига қараб ҳавонинг тоза ёки ифлослигини билиб олади. Кўчирок ҳавонинг тоза эканлини билдиради. Ҳаво бироз ифлосланганда эса, сариқ чирок ёнади. Бундай пайтда баъзи ишлар, чунончи, турли ахлатларни ёндириш тўхтатилади.

Мабодо қизил чирок ёнгудек бўлса, шаҳардаги саноат қорхоналари, дўкон ва транспорт ўз ишини тўхтаатади. Фақат касалхоналар, дорихоналар ишлайди.

Шаҳар ҳавоси таркибини доимий кузатиб борадиган махсус ташкилот навбатчиси «Светофор»ни бошқариб туради.

### СУВ «ТОФИ»

Бир неча йил муқаддам океаншунослар илгариги Фирқларига қарши ўларок, океанга юзаси текис эмас, деган қарорга келдилар. Ҳинд океанида сув «тоғи» мавжуд. Иссиқ оқим Атлантикада сал кам бир ярим метр баландликда сув доводини юзага келтиради.

Вильфранш - Сюр Мер шаҳри лабораториясидаги француз олимлари суний ер йўлдоши ёрдамидан олинган маълумотларни ишлаб туриб, Ўрта Ер денгизининг Жазира кирғоқлари билан Лион кўрфазга ўртасидаги сув доводини 7 метрдан 8 метргача етишини аниқладилар.

### ЧИВИНЛАРНИНГ ДУШМАНИ

Бир гуруҳ австриялик олимлар бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари билан ҳамкорликда лаборатория йўли билан етиштирилган махсус қўзиқорин устида таҳрирда ўтказдилар.

Қўзиқорин ҳашоратхўр ўсимликларга ўхшаб безгак чивинлари ва искаптопарларни худди оҳанрободек ўзига жалб этади ҳамда ўз танасига ўтади.

Дарё бўйидаги водийда қўзиқоринларнинг «дала таҳрибаси» синиб қўрилди. Бу билан табиёт илми чивин ва искаптопарлар юқтирувчи безгак ҳамда бошқа касалликларга қарши курашда яна бир кўмакдошга эга бўлди.

**Ақбар АЛИЕВ**  
**тайёрлади.**

**ISHONCH**  
**МУАССИС:**  
**Ўзбекистон касаб**  
**уюшмалари Федерацияси**

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**Таҳрир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

**Телефонлар:**  
Котибят 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-41.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 22.00

**E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net**

**Манзил:** 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. **Нашр курсаткичи:** 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва суздифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

**«Шарк» нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси** босмаҳонасида chop этилди. **Қорхона манзили:** «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Тўражи: 17603 Буюртма Г— 84. 1 2 3 4 5 6